



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI SHO'RCHI TUMANI HOKIMINING
QARORI

Sho'rchi tumani, Mustaqillik ko'chasi 72-uy. 191500 tel.: (+99876) 457-41-00, shurchi_t@exat.uz

20 21 -y " 26 " yanvar

Қ-245 -son

Sho'rchi t.

Шўрчи тумани “Боботоғ” СИУ худудидаги туман захира ерларидан фуқаро Бойқобилов Давронга боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этиш учун узоқ муддатли ижарага ер ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ш.Ғаниевнинг 2020 йил 22-28 ноябрь кунлари Сурхондарё вилоятига ташрифи давомида берган топшириқлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 53-моддаси, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 6-моддаси, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 10-11-моддалари, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарори билан тасдиқланган “Ер участкаларини фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага бериш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан фуқаро Бойқобилов Давроннинг туман ҳокими номига ёзган аризасини ҳамда туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 4 январдаги 8-сонли йиғилиш баённомасига асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1.Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 4 январдаги 8-сонли йиғилиш баённомаси тасдиқлансин.

2.Туманнинг “Боботоғ” СИУ худудидан фуқаро Бойқобилов Давронга боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этиш учун туман захира ер фонди ҳисобидаги 98-контурдаги жами 35,0 гектар (шундан 35,0 гектар яйлов ер) ер майдонлари 49 йил муддат билан ижарага ажратиб берилсин.

3.Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Х.Мамараимов)га фуқаро Бойқобилов Давронга узоқ муддатли ижарага ажратилган ер майдонини жойида чегараларини белгилаб бериш, ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини тайёрлаш ва тегишли хўжаликлар ер ҳисоботларига ўзгартиришлар киритиш вазифаси топширилсин.

4.Янги ташкил этилаётган фермер хўжалиги бошлиғи Бойқобилов Давронга 10 кун муддат ичида Давлат солиқ инспекцияси, туман Статистика бўлими, туман Давлат хизматлари маркази, туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлиmidан руйхатдан ўтказиш ҳамда тегишли хужжатларни расмийлаштириш вазифаси топширилсин.

5.Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари О.Шерназаров зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Б.Худойбергенов